



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

ТАЪЛИМ СИФАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ

Кудратов Қиличбек Хурсанович

Сайхунобод туман 2-сон касб-хунар мактаби бўлим бошлиғи

Аннотация

Профессионал таълим муассасаларидағи ўқувчиларнинг ўзлари танлаган касблари бўйича етарли билим, кўнирма ва малакаларни эгаллашлари професионал таълим ўқитувчиси ва устасининг педагогик технологияларни кўллаш даражасига бевосита боғлиқдир. Мақолада таълим сифати самарадорлигини оширишда инновацион технологияларнинг роли масалалари ёритиб берилган ва мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: професионал таълим, ҳунар, професионал таълим ўқитувчиси, професионал таълим устаси, компетенция, таълим сифати, технология, инновация, талаб.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими сифати самарадорлигини ошириш, талабаларни замонавий билим ҳамда амалий кўнирма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Шундай экан, ўқитувчи педагогик жараёнларни ҳам бошқарувчиси, ҳам иштирокчиси сифатида тегишли маълумотга, касбий тайёргарликка ва юксак аҳлоқий фазилатларга эга бўлиш зарурияти касбий компетенциянинг ривожлантириш омиллари сифатида белгиланган.

Демак, ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиши ва бошқариш йўналишида зарурий тушунчаларни эгаллаши, ёш даврлар психологиясини яхши билиши, бой ва юксак аҳлоқий фазилатларга эга бўлиши, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ эта олиши, тегишли маълумоти ва касбий тажрибага эга бўлиши унинг касбий компетентлигини ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қиласиди.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Бунинг учун, аввало, таълим тизимининг барча шаклдаги муассасаларида таълим жараёнини илгор, илмий-услубий жиҳатдан асосланган янги ва замонавий услубиёт билан амалда таъминлаш лозим.

Ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, услубий талабларига кўра фан, техника ва илгор технология ютуқларидан унумли фойдаланиш бугунги таълим тизими олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Инновацион фаолиятнинг самарадорлиги педагог шахси билан белгиланади. Профессионал таълим муассасаларидаги инновация жараёнлари характеристи киритилган янгиликлар хусусиятлари, ўқитувчиларнинг касбий имкониятлари, янгилик киритиш ташаббускорлари ва иштирокчиларининг инновацион фаолиятлари хусусиятлари билан белгиланади. Ўқитувчи-новатор сермаҳсул ижодий шахс бўлиши, креативликни, кенг қамровли қизиқиши ва машғулликни, ички дунёси бой, педагогик янгиликларга изланувчан бўлиши лозим.

Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлаш икки йўналишда амалга оширилиши лозим:

- янгиликни идрок қилишга инновацион шайликни шакллантириш;
- янгича ҳаракат қила олишга ўргатиш.

Инновацион фаолиятни ташкил этишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти ва уни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга.

Инновация жараёнлари, уларнинг функциялари, ривожланиш қонуниятлари, механизмлари ва уни амалга ошириш технологиялари, бошқариш тамойилларининг педагогик асосларини ўрганиш Профессионал таълим тизимидағи ўқув жараёнини замонавий педагогика ва психология фанлари ютуқлари асосида жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш имконини беради

Хозирги кунда таълим жараёнида инновацион педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиши, эътибор кундан-кунга кучайиб бормокда. Замонавий технологиялар қўлланилган машғулотлар талабалар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хуносаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилган.

Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бирга, бошқарувчилик,

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўқув жараёнида талаба асосий фигурага айланади.

Бугунги кунда республика таълим муассасаларида интерфаол таълимни ташкил этишда қуйидаги энг оммавий технологиялар қўлланилмоқда:

1. Интерфаол методлар: «Кейс-стади» (ёки «Ўқув кейслари»), «Блиц-сўров», «Моделлаштириш», «Ижодий иш», «Муносабат», «Режа», «Сухбат» ва бошқалар.

2. Стратегиялар: «Ақлий ҳужум», «Бумеранг», «Галерея», «Зиг-заг», «Зинамазина», «Музёар», «Ротация», «Т-жадвал», «Юмалоқланган қор» ва ҳакозо.

3. График органайзерлар: «Балиқ скелети», «БББ», «Концептуал жадвал», «Венн диаграммаси», «Инсерт», «Кластер», «Нима учун?», «Қандай?» ва бошқалар.

Интерфаол таълим бевосита интерфаол методлари ёрдамида ташкил этилади. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида таълим методларидан фойдаланганда, аввало, бу методдан фойдаланишнинг ўрни, унинг самарадорлигини билиши мухимdir. Бунинг учун ҳар бир педагог ҳаётий тажрибага эга бўлган, етарли билимлар билан қуролланган, таълим олувчиларга нисбатан муаммоларнинг ечимини олдиндан ҳал эта оладиган ва уларни таълим олувчиларга етказиш малакасига эга бўлиши лозим.

Дарс ўтиш учун қайси технологияни танлаб олиш ўқув фани ва ундаги мавзунинг хусусиятларидан келиб чиқади.

Ҳар қандай юқори савияда ўтказилган маъруза, гарчанд у фактларга бой бўлса ҳам, агар узоқ вақт давом этса, талабаларнинг эшлишиш қобилияти сусайди ва чарчайди. Шунинг учун янги педагогик технология асосида ташкил этилган маърузалар самарали бўлади.

Визуал (кўргазмали) воситалар педагогик технология жараёнида талаба ўқувчилар кўз билан кўришлари учун мўлжалланган барча воситаларни ўз ичига олади. Буларга доскадаги ёзув ва бошқа тасвиirlар, китоблардаги ёзув ва тасвиirlар, тарқатма материаллар, ўқув плакатлари, фото суратлар, тасвирий санъат асарлари, видео, кино тасвиirlар, жониворлар, ўсимликлар, табиат объектлари, турли буюмлар ва бошқалар киради.

Кўргазмали воситаларнинг педагогик технологияда қўлланилиши талабаларга ўргатиш керак бўлган ахборотга тегишли мазмунни турли шакл ва усулларда кўрсатиш орқали тез, аниқ ва тўғри тушунтириш имкониятини беради.





Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Аудио воситалар эшитиш орқали ахборотни ўрганиш, ўзлаштириш имкониятини беради. Ҳозирда кўпроқ аудиовизуал воситалар, яъни бир вақтда эшитиш ва кўришга хизмат қилувчи воситалар: кино ва бошқа овозли видео тасвирлардан фойдаланилади.

Аслида эса амалиётда мавжуд шароит ва вазиятдан келиб чиқсан ҳолда, ижодий ёндашув асосида мавжуд воситалардан комплекс фойдаланиш энг яхши самара бериши мумкин.

Табиий воситаларга педагогик технология жараёнида ўрганиш кўзда тутилган мазмунга тегишли барча табиий нарсалар киради. Булар одам ва жониворлар, ўсимликлар ва табиат, асбоб-ускуналар, буюмлар, машиналар, механизмлар, иншоотлар ва шу қабилардан иборат.

Ҳозирги кунда таълим берувчига Ватан ва юрт мустақиллигини мустаҳкамловчи, инсонларнинг манфаатини, уларнинг билими, кўникма ва малакасини шакллантиришга алоҳида аҳамият берилган, замонавий ахборот технологиялар, таълимни компьютерлаштириш ва компьютерлаш тармоқлари тизимида таълим жараёнини ахборот билан тъминлашнинг ривожланишга эътибор қаратилган.

Агар биз ҳар бир ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, касбга садоқат, фидокорлик ва меҳнатсеварликни шакллантира олсакгина, юртимиз истиқболига хизмат этадиган қобилиятли шахсларга эга бўламиз. Бундай шахсларни тарбиялашда педагоглар таълим бериш жараёнида талабаларни субъект сифатида жалб қиласиди, турли иш ҳаракат усусларни қўллади.

Таълим тизимида барча таълим жараёнларини (маъруза, амалий лаборатория ишлари, семинар ва мустақил машғулотларни) замонавий педагогик технологияларига асосланган ҳолда ташкил этади.

Мазкур мақсадларга эришиш учун, талабаларга янги педагогик техналогияларни амалда қўллашни ўргатиш учун қуйидаги тамойилларни асос сифатида қабул қилиб оламиз.

Биз ўз тажрибаларимиздан келиб чиқсан ҳолда, касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашда педагогик технологиялардан қуйидаги турини фойдаланишини тавсия этамиз.

Муоммоли савол ва вазиятларни таҳлил қилиш: Бу усул талабаларнинг ижодий, мантиқий фикр юритишларига, илмий, эркин баҳс-мунозарага киришишларига, муомила маданиятини ўрганишларига ва зийраклик ҳислатларини ривожланишига қаратилган.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Мазкур усул талабаларнинг фикрлаш, англаш, тасаввур қилиш, амалий иш бажариш қобиляйтларини ривожлантиришга имкон берувчи оддий ва самарли усули ҳисобланади.

Педагогик назария ва амалиётнинг таҳлили шуни кўрсатадики, таълим соҳасидаги умумжаҳон аҳамиятига молик бўлган қуидаги асосий янгиликлар хосдир.

Инновацион таълимнинг асосий мақсади таълим олувчиларда келажакка масъулият ҳиссини ва ўз-ўзига ишончни шакллантиришdir. Инновацион таълим янги вазиятларда биргалиқда ҳаракатланиш қобиляйтини ривожлантиришни кўзда тутади. Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши жамиятни иқтисодий тараққий эттириш билан бир қаторда ижтимоий муносабатлар мазмунида ҳам туб ўзгаришларнинг рўй беришига замин яратмоқда. Шунингдек, иқтисодий соҳада бўлгани сингари ижтимоий, шу жумладан, таълим соҳасида ҳам технологик ёндашувни татбиқ этишга катта аҳамият қаратилмоқда.

“Технология”юонча сўз бўлиб, “techne”–маҳорат, санъат ва “logos”–тушунча, таълимот, фан маъносини англатади.“Таълим технологияси” иборасининг маъноси–(инглизча “An educational technology”) таълим жараёнини юксак маҳорат билан санъат даражасида ташкил этиш тўғрисида маълумот берувчи фан, таълимот демакдир. Айни вақтда мазкур тушунчанинг таърифи ҳамда унинг моҳияти борасида ягона ғоя мавжуд эмас. Бу назария моҳиятининг ёритилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

“Педагогик технология – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиши ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргалиқдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир” (ЮНЕСКО).

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, педагогик технологиянинг аҳамияти аввал ўзлаштирилган назарий билимлар билан янги ўзлаштириладиган билимлар орасида мустаҳкам боғланишларнинг юзага келиши билан белгиланади. Реал таълим амалиёти илғор педагогик технологияларни амалиётга кенг жорий этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилишини тўлиқ тасдиқламоқда.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Профессионал таълим тизимида педагогик технологияларни қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида қўйидаги методик вазифаларни мувафаққиятли ҳал этиш лозим:

- 1) ўқитувчилар “интерфаол метод”, “стратегия”, “технология” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини аниқ тушуниб олишлари лозим. Мазкур тушунчаларнинг моҳиятини тўғри англай олмаслик уларни қўллашда қўплаб методик қийинчиликларни юзага келтиради. Асосий эътибор ўқитиш жараёнини лойиҳалаш (технологик модел) ва режалаштириш (технологик харита)га, яъни технологизацияга қаратилиши керак;
- 2) фанларни ўқитиш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланишда методик қоидалар ва кўрсатмаларга риоя қилиниши керак. Аниқ методик кўрсатмаларга риоя этиш орқали интфераол методларни самарали қўллаш имконияти юзага келади. Бу эса таълим сифатининг ошишига хизмат қиласди;
- 3) фанлар бўйича таълим технологияларини яратишда хилма-хиллик, ижодийлик, инновацион ёндашувларга асосланиш ва мазкур жараёнда фанларнинг, машғулот шакллари, мавзуларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш ўринли бўлади.

Талаба-ўқувчи ва ўқитувчи учун зарур ўқув анжомлари ҳамда жиҳозлари педагогик технологиянинг зарур воситалари ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда барча таълим муассасаларининг ўқувтарбиявий жараёнида ўқитувчининг касбий маҳорати, ҳаётий тажрибаси, замонавий ўқитиш услублари-интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Умуман таълим самарадорлиги ва сифати ҳозирги кунда кўп жиҳатдан барча турдаги зарур воситаларнинг сифати ва улардан юқори самарадорлик билан фойдалана билишга боғлиқ. Бу воситалардан тўғри ва унумли фойдаланиш ўқитувчининг малака, маҳорат, ижодкорлиги, изланувчанлигига боғлиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” Т. “Ўзбекистон” 2016 й.

2. Муслимов Н.А. ва бош. Инновацион таълим технологиялари– Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015 й.

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

3.Рўзиева Д. ва бош. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши,
Мет.қўлл. – Т.: ТДПУ, 2013 й

Интернет манбалари:

1. www.ziyonet.
2. www.edu.uz

E-Conference Series

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings

E-CONFERENCE
SERIES